

ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tar/F/Fil.14/01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

САГДИЕВ ХАБИБУЛЛО ЁДГОРОВИЧ

**АБУ ЖАЪФАР ТАҲОВИЙНИНГ “АҚИДА” АСАРИ ВА УНИНГ
ШАРҲЛАРИ – ҲАНАФИЙЛИК ТАЪЛИМОТИГА ОИД МАНБА**

07.00.05 – Ислом тарихи ва манбашунослиги

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2017

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата
доктора философии (PhD) по историческим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the
Doctor of Philosophy (PhD) on Historical Sciences**

Сагдиев Хабибулло Ёдгорович

Абу Жаъфар Таҳовийнинг “Ақида” асари ва унинг шарҳлари –
ҳанафийлик таълимотига оид манба..... 3

Сагдиев Хабибулло Ёдгорович

Произведение «Ақида» Абу Джа`фара Тахави и его комментарии –
источник по ханафитскому вероучению..... 25

Sagdiev Khabibullo

Abu Ja`far Tahawi`s `Aqidah` and its comments – the source for the
Hanafi creed..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 53

ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tar/F/Fil.14/01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

САГДИЕВ ХАБИБУЛЛО ЁДГОРОВИЧ

**АБУ ЖАЪФАР ТАҲОВИЙНИНГ “АҚИДА” АСАРИ ВА УНИНГ
ШАРҲЛАРИ – ҲАНАФИЙЛИК ТАЪЛИМОТИГА ОИД МАНБА**

07.00.05 – Ислом тарихи ва манбашунослиги

ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2017

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.Phd/Tar1 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкен ислом университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (ik-tarix@nuu.uz) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Уватов Убайдулла Мурадович**
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Останакулов Икромитдин**
тарих фанлари доктори, доцент

Зиёдов Шовосил Юнусович
тарих фанлари номзоди

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат шарқшунослик институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент ислом университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tar/Fil.14/01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил “____” июль соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй, Тел.: (99871) 244 94 70, Факс: (99871) 244 00 65, t-mail: tiuxab@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент ислом университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй, Тел.: (99871) 244 00 91.

Диссертация автореферати 2017 йил «____» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.А.Хасанов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Д.А.Рахимджанов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доцент

С.С.Агзамходжаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ХХІ асрнинг дастлабки йилларидан бошлаб, мусулмон мамлакатларидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт, исломнинг ўрни, ислом ва сиёсат, ислом ва демократия каби масалаларнинг чуқур ўрганилиши долзарб муаммолар қаторига чиқди. Ислом дини дунёдаги миллионлаб кишилар ҳаётининг турли соҳаларига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шунинг учун ислом динининг мусулмон мамлакатлари тарихидаги ўрни ва роли, эътиқод ва ҳуқуқнинг сиёсий тизимларнинг шаклланишига таъсири илмий ва амалий нуқтаи назардан катта аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда яшовчи маҳаллий аҳоли асрлар давомида эътиқод қилиб келган ислом динининг мазмун-моҳиятини тўғри талқин қилиш, уни жамоатчиликка эзгулик, меҳр-муҳаббатга чорловчи восита сифатида етказиш ҳозирги кундаги энг долзарб масалалардан ҳисобланади, чунки “...дин, шу жумладан ислом дини ҳам минг йиллар давомида барқарор мавжуд бўлиб келганлигининг ўзиёқ у инсон табиатида чуқур илдиз отганлигидан, унинг ўзига хос бўлган бир қанча вазифаларни адо этишидан далолат беради. Энг аввало, жамият, гуруҳ, алоҳида шахс маънавий ҳаётининг муайян соҳаси бўлган дин умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олган, уларни жонлантирган, ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларига айлантирган”¹.

Дунёда бўлаётган ўзгаришлар, турли ирқий, миллий ва диний асосдаги ихтилофлар ҳамда келишмовчиликлар содир бўлаётган бир пайтда дин асослари, хусусан, исломшунослик соҳасини ҳам чуқур ўрганиш, бу йўналишда олиб борилаётган тадқиқотларга янгича назар билан қарашни талаб этади. “Ақида”² ва “усулу-д-дин”³ каби ислом эътиқоди билимлари диний қараш ҳамда аждодларнинг маънавий меросини тўлдирувчи муҳим манбалар қаторига киради. Ушбу йўналиш шу соҳада илмий фаолият олиб борган кўплаб мутафаккирларнинг улкан мероси асосида шаклланган. Асрлар давомида дунёнинг машҳур диний билим юртларида ўқув қўлланма сифатида ўқитиб келинаётган Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад Таҳовийнинг (239/853-321/933) “Ақида” асарини юқоридаги манбалар сирасига киритиш мумкин. Ҳанафий эътиқодига оид қарашлар ҳақида маълумот берувчи ушбу асар нафақат Ўзбекистон, балки қўшни мамлакатлар (МДХ) диний билим юртларида ҳам ақидага оид муҳим манба ҳисобланади. Абу Мансур Мотуридийнинг (256/870-332/944) “Китабу-т-тавҳид”⁴, сомонийлар амири Исмоил ибн

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б. 441.

² Араб тилидан “ақд” – бир нарсани иккинчисига маҳкам боғлаш; кўпликда “ақоид”. Балоғатга етган киши эътиқод қилиши, имон келтириши, ислом динининг заруратлари шаклида тасдиқ қилиши, қалбига маҳкам боғлаб олиб ундан ажралиши мумкин бўлмаган шаръий эътиқодий ҳукмлар. Қаранг: Ислом, энциклопедия. – Т: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – Б.36.

³ Араб тилидан дин асослари, ислом асослари – ислом шариати ва диндан олинган эътиқодий ҳукмларни баҳс қилувчи илм. Қаранг: Ислом, энциклопедия. – Б.241.

⁴ Абу Мансур Мотуридий. Китабу-т-тавҳид. – Истанбул: Дору-л-Иршод, 2001.

Аҳмаднинг (284/897-294/907 йиллар) буйруғи билан ёзилган Ҳаким Самарқандий (ваф.341/953)нинг “Саводу-л-Аъзам”⁵ каби асарлари ҳам “усулу-д-дин” масалаларига бағишланган. Имон-эътиқод тушунчаларига асл манбалар асосида таъриф бериш зарурати туғилган глобаллашув даврида ақидага оид юқоридаги асарлар муҳим мафкуравий қурол бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация самарали хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация Республика фан ва технологиялар ривожланишнинг I. «Жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий қадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихини ҳамда таълимнинг узвийлик ва узлуксизлиги, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Абу Ҳанифа (80/699-150/767) ва унинг илк издошлари маънавий меросларини ўрганишга бўлган қизиқиш Таҳовийнинг ҳаётлик давридаёқ бошланган. Мазҳаббошига нисбат берилган асарларга ёзилган кўплаб шарҳлар унинг ҳимояси ва раддиясига оид китоблар бунга далил бўла олади.

Табакот (биографик) йўналишида асарлар ёзган уламолар, Абу Ҳанифа ва илк ҳанафийлар даврида (VIII-X асрлар) яшаб, ақида илмига оид китоблар ёзиб қолдирган фақиҳлар Абу Жаъфар Таҳовий ҳаёти ҳамда илмий-маънавий мероси ҳақида умумий маълумотларни бериб ўтганлар.

Европа ва россиялик шарқшунослардан А.Венсинк, М.А.Кук, В.Маделунг, У.Монтгомери, Ван Есс, Й.Шахт, У.Рудольф, В.В.Бартольд, Е.А.Беляев, Л.Р.Сюкияйнен, Е.А.Фролова, А.А.Ализаде⁶ каби олимлар ҳанафий таълимотини ўрганишга доир изланишлар олиб борганлар.

⁵ Самарқандийнинг ушбу асари тадқиқотчилар томонидан таҳқиқ этилмаган ҳолда бир неча бор нашр этилган. Биринчи нашри 1837 йили Қоҳирада “Булоқ” нашриётида 56 саҳифада нашр этирилган. Яна бир нашр Истанбулда 1887 йили 39 саҳифада амалга оширилган. Китобнинг қўлёзмаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтида 2630 сонли инвентар рақам билан сақланмоқда.

⁶ Wensinck, Arent Jan. *The Muslim Creed: Its Genesis and Historical Development.* – Cambridge, U.K.: Cambridge University Press, 1932; Cook M.A. *Early Muslim dogma: a source critic study.* – Cambridge etc.: Cambridge Univ. press, 1981. – XI. – 242 p.; Cook M.A. *The origins of kalam* // *Bulletin of the school of oriental and African studies*, 1980. – Vol.43, part 1. – P.32-43.; Madelung Wilfred. *The early Murji`a in Khurasan and Transoxania and the spread of Hanafism.* *Der Islam.* Volume 59, 1982. Issue 1; Watt, W. *Montgomery. The Formative Period of Islamic Thought.* – Edinburgh: Edinburgh University Press, 1985. – 424 p.; *Josef van Ess. The Flowering of Muslim Theology.* – Cambridge, Harvard University Press, 2006; Joseph Schacht. *The Origins of Muhammadan Jurisprudence.* – London: Oxford at the Clarendon press, 2011; Rudolph U. *Al-Maturidi und die sunnitische*

Америкалик исломшунос Эрл Элдер (1882-1968) ўзининг “Al-Tahawi’s “Bayan al-Sunna wa’l-jama’a” (Таҳовийнинг “Аҳли сунна вал жамоа баёни”) номли мақоласида мавзуга оид маълумотлар берган ва асарнинг инглиз тилидаги таржимасини илова қилган⁷.

Шарқда Муҳаммад Зоҳид Кавсарий, Муҳаммад Юсуф Кандехлавий, Муҳаммад Абу Захро, доктор Абдуллоҳ Назир Аҳмад, доктор Муҳаммад Абдурахмон Хумаййис, Абдулмажид Маҳмуд, Сайид Аҳмад Полонпурийлар⁸ Абу Жаъфар Таҳовийнинг асарларини манбашунослик ва тарихшунослик нуқтаи назаридан ўрганганлар. Юқоридаги тадқиқотларда Абу Жаъфар Таҳовийнинг ҳаёти ва илмий мероси яхлит талқин қилинмаган.

Ўзбекистонда мустақилликка эришилгандан сўнг т.ф.д. А.Мўминов, т.ф.н. С.Оқилов, т.ф.н. Р.Матибаева, т.ф.н. Ш.Зиёдов, т.ф.н. И.Бекмирзаев⁹лар томонидан Абу Ҳанифа таълимоти ҳамда мовароуннаҳрлик ханафий олимлар илмий меросларига оид қатор тадқиқотлар бажарилди. Шунингдек Абдулазиз Мансурнинг “Ақоид матнлари”¹⁰ номли тўпламидан ўрин олган “Ал-Ақидату-т-Таҳовия” асари матни ва унинг таржимаси ҳамда ўзбекистонлик исломшунос олим Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф томонидан “Ақида” асарига Абу-л-Изз Ҳанафий томонидан ёзилган шарҳнинг Анвар Бадахшоний тарафидан амалга оширилган мухтасарининг таржималарини (“Талхису шарҳи-л-ақидати-т-Таҳовия”)¹¹ мисол келтириш мумкин. Лекин мазкур

Theologie in Samarkand. – Leiden, New York, Koln: Brill, 1997. 396 p.; Бартольд В.В. Начало халифата и арабской культуры//Соч.:Т. VI – М.:Наука, 1966; Беляев Е.А. Арабы, ислам и арабский халифат в раннее средневековье. Второе издание. – М.: Наука, 1966; Сюкияйнен Л.Р. Шариат и мусульманско-правовая культура. – М.: Институт государства и права Российской академии наук, 1997; Фролова Е.А. Проблемы веры и знания в арабской философии. – М.: Наука, 1983; Али-заде А.А. Божественная и земная власть в исламском мировоззрении (историко-философский аспект). –Баку: Адильоглы, 2004.

⁷ Earl Elder. Al-Tahawi’s “Bayan al-Sunna wa’l-jama’a”. The MacDonald presentation volume. – London: Princeton University press, 1933. – P.131-143.

⁸ Муҳаммад Зоҳид Кавсарий. Ал-Ҳовий фи-с-сийрати-л-имом Аби Жаъфар Таҳовий. – Қоҳира: Матбаъату-л-анвори-л-Муҳаммадия, 1949. – 46 с.; Муҳаммад Зоҳид Кавсарий. Ал-Алим ва-л-мутааллим ли Аби Ҳанифа. – Қоҳира: Матбуоти-л-анвар, 1949. – 60 с.; Кандехлавий Муҳаммад Юсуф. Амониу-л-ахбор фи шарҳи маони-л-осор. – Покистон: Идора таълифоти ашрафия, 1974. – II ж.; Муҳаммад Абу Захро. Тариху-л-мазаҳиби-л-исламия фи-с-сиясати ва-л-ақоиди ва-т-тарихи-л-мазаҳиби-л-фикҳия. – Қоҳира: Дору-л-фикру-л-арабий, йили номаълум. – 688 с.; Доктор Абдуллоҳ Назир Аҳмад. Абу Жаъфар Таҳовий, ал-имом, ал-муҳаддис, ал-фақиҳ. – Дамашк: Дору-л-калам, 1991. – 268 с.; Доктор Муҳаммад Абдурахман Хумаййис. Усулу-д-дин инда-л-имам Аби Ҳанифа. – Ар-Риёд: Дору-с-сумайъий, 1996. – 699 с.; Абдулмажид Маҳмуд. Абу Жаъфар Таҳовий ва асаруҳу фи-л-ҳадис (найлу-л-мажистир). – Қоҳира. Нашриёт номаълум, 1964; Palanpuri Saeed Ahmed (Translation Edited by Mufti Afzal Hoosen Elias). The biography of Imam Tahaawi. – Lenasia, South Africa, 2005.

⁹ Муминов А. Ҳанафий уламоларнинг Марказий Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳаётида тутган ўрни ва роли (II-VII/VIII-XIII асрлар): тар.фан. докт. дис... автореф. – Т.: ТИУ, 2003. – 46 б.; Оқилов С. Мовароуннаҳрда мотуридия таълимотининг шаклланиш тарихи. Монография. – Т.: Мовароуннаҳр, 2012. – 192 б.; Матибаева Р. Абул Муайяд ал-Маккий ал-Хоразмийнинг “Манокиб Аби Ҳанифа” асари ханафийлик бўйича нодир манба: т.ф.н. дис... автореф. – Т.: ТИУ, 2009. – 24 б.; Зиёдов Ш. Абу Мансур ал-Мотуридий ёзма мероси ва унинг “Китобут таъвилот” асари: т.ф.н. дис... автореф. – Т.: Ўз ФА ШИ, 1999. – 21 б.; Бекмирзаев И. Бурхониддин Маҳмуд ал-Бухорий ва Мовароуннаҳр қозилиги. Монография. – Т.: Таълим нашриёти, 2011. – 203 б.

¹⁰ Абдулазиз Мансур. Ақоид матнлари. – Т.: ТИУ, 2006. – 55 б.

¹¹ Бадахшоний, Муҳаммад Анвар. Ақидатут-таҳовия шарҳининг талхйиси (Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф таржимаси). – Т.: Hilol-nashr, 2014. 446 бет.

тадқиқотларда Абу Жаъфар Таҳовий илмий меросининг бугунги кундаги мафкуравий аҳамиятини очиб бериш масаласи кўтарилмаган. Шу боис ушбу тадқиқотда Абу Жаъфар Таҳовийнинг ҳаёти, илмий мероси ҳамда олимнинг “Ақида” асари, унинг шарҳлари ва манбада ёритилган муҳим эътиқодий масалаларни комплекс тарзда ўрганиб ёритишга алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети «Исломшунослик соҳасини такомиллаштириш бўйича 2011-2013 ва 2014-2016 йилларда амалга оширилган чора-тадбирлар дастури», Исломшунослик илмий-тадқиқот марказининг 2015-2017 йилларга мўлжалланган А-1-050. “Мовароуннаҳрда мотуридия ақидавий мактабининг пайдо бўлиш тарихи ва унинг ҳозирги кундаги экстремистик оқимларга қарши курашдаги мафкуравий аҳамияти” мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Абу Жаъфар Таҳовийнинг ҳаёти ва илмий мероси, шунингдек олимнинг “Ақида” асарини исломшунослик, манбашунослик нуқтаи назаридан илмий истифодага киритиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Абу Жаъфар Таҳовийнинг ҳаёти ва илмий маънавий меросини комплекс ўрганиш, олимнинг илмий биографиясини кенг қамровли маълумотлар билан бойитиш;

Таҳовий “Ақида” асарининг илмий муомалага киритилмаган қўлёзма нусхаларини аниқлаш ва унга ёзилган шарҳларни ёритиб бериш;

“аҳли сунна вал жамоа”¹² вакиллари орасида илк даврлардан бери давом этиб келаётган “имон” борасидаги баҳслар хулосасини Таҳовийнинг “Ақида” асарига ёзилган шарҳлар ёрдамида баён қилиш;

мусулмонларнинг онглари турли ақидапараст гуруҳ вакиллари томонидан эгаллаш мақсадида олиб борилаётган мафкуравий курашлар авж олган глобаллашув жараёнида, Таҳовийнинг “Ақида” асари шарҳлари орқали зарур эътиқодий ибораларни анъанавий ислом нуқтаи назаридан очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти Абу Жаъфар Таҳовийнинг “Ақида” асари ва унинг шарҳлари.

Тадқиқотнинг предмети Абу Жаъфар Таҳовий “Ақида” асарининг қўлёзма нусхалари, мавзулари, имон масаласи ва эътиқодга оид зарур тушунчалар.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий билишнинг умумфалсафий методлари – таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, абстраклаштириш усуллари қўлланилди, тизимли, структурали-

¹² Мусулмонларнинг асосий ва жумхур оммаси эътиқод ва амал қилиб келаётган ақидавий ва мафкуравий мазҳабларнинг жамланма номи. Ислом, энциклопедия. – Б.37.

функционал ёндошувдан фойдаланилди, матнларни контент-анализ қилиш, исломшунослик бўйича олиб борилаётган изланишларга қўйилган талаблар – илмийлик, тарихийлик, диний бағрикенглик, холислик, ислом динига ҳурмат билан ёндашиш ҳамда диний мутаассибликка мурасасизлик каби тадқиқот усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

ҳанафийликнинг мўътадил таълимот сифатида диний бағрикенглик ва мутаассибликдан холи тамойиллари таъсирида Абу Жаъфар Таҳовийнинг шофийликдан ҳанафийлик мазҳабига ўтиш сабаблари очиб берилган;

Абу Жаъфар Таҳовий ва Абу Мансур Мотуридийларнинг ҳанафийлик эътиқодига оид масалаларни баён қилишдаги ўзига хос қарашлари қиёсий асосда очиб берилган;

Таҳовий “Ақида” асари қўлёзма нусхаларининг кодикологик таҳлили натижасида XV асрда эски ўзбек тилига таржима қилинган манбаси илк бор аниқланган;

“аҳли сунна вал жамоа” вакиллари орасида имоннинг шартлари борасидаги баҳслар “Ақида” асарига ёзилган шарҳлар орқали “лафзий” эканлиги исботланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйдагилардан иборат:

Абу Жаъфар Таҳовийнинг ҳаёти ва ҳанафийлик таълимотига оид илмий мероси илк бор монографик тарзда тадқиқ қилинган;

тадқиқотда Абу Жаъфар Таҳовийнинг шофийликдан ҳанафийлик мазҳабига ўтишининг 5 та сабаби, олимнинг XV асрга оид “Ақида” асари қўлёзмалари орасида эски ўзбек тилига таржима қилинган манбаси аниқланган;

Абу Жаъфар Таҳовий ва Абу Мансур Мотуридийларнинг эътиқодга оид масалаларни баёни қилиш усуллари бир-бирларини тўлдириб келганлиги очиб берилган;

“аҳли сунна вал жамоа” йўналиши мазҳаббошилари орасида имоннинг шартлари масаласида кечган баҳслар “лафзий” эканлиги исботланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолаларда Таҳовийнинг “Ақида” асари қўлёзма нусхалари матнига таянилганлиги, далиллар билан асосланганлиги, замонавий қиёсий-тарихий усуллардан фойдаланилганлиги ўз аксини топган ва олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти жамиятда айниқса ёшлар орасида ақидага оид масалаларни тўғри талқин қилишнинг методологик ёндашувлари ҳамда соғлом эътиқодни шакиллантириш бўйича назарий хулосаларни мукаммаллаштиришда фойдаланиш билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистонда ёшларнинг диний маданиятини шакллантириш, глобал тармоқлар орқали ислом ниқоби кўринишида кириб келаётган фундаментализм, экстремизм ва терроризм каби мафкуравий таҳдидларнинг олдини олиш бўйича давлат дастурларининг бажарилишини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот бўйича берилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Абу Жаъфар Таҳовий Қуръоннинг ҳар бир оятини мавзуий услубда ҳанафий мазҳабига мос равишда тафсир қилганлигини очиб бериш Ф1-039. “Мовароуннаҳрда Қуръон ва тафсир илмлари тараққиёти, машҳур муфассирлар илмий меросининг ўлка маънавий ҳаётида тутган ўрни” мавзудаги (2012-2016) фундаментал тадқиқот лойиҳасида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2017 йил 20 январдаги ФТК-0313/68-сон маълумотномаси). Ушбу илмий натижа Таҳовий услубининг мустаҳкамлиги, тафсиридаги диққат-эътибори ўткирлиги ва аҳком муфассирлари ўртасидаги юқори мавқеидан дарак беришлигини аниқлаш ҳамда ҳанафий эътиқодига оид тафсирларнинг бугунги кундаги мафкуравий аҳамиятини ёритиш имконини берган;

Таҳовийнинг “Ақида” асарига ёзилган шарҳлар асосида нозик ақидавий тушунчаларнинг анъанавий исломда келган асл маъноларини ёритиш орқали Ички ишлар идоралари шахсий таркиби ўртасида ходимларнинг соф диний таълимот ва сохта оқимларнинг фарқлари борасидаги дунёқарашларини бойитиш мақсадида тайёрланган дастурларида кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 21 январдаги 17/3-117-сонли маълумотномаси). Қўлга киритилган илмий натижалар ақидапараст гуруҳ вакиллари томонидан Қуръон ва ҳадислардаги маълумотларни ғаразли мақсадларга мослаштириб шарҳлаши ва шу орқали ислом динига эътиқод қилувчи маҳаллий аҳолини ўзларининг сафларига жалб қилиш ҳолатларининг олдини олишда кенг имконият яратган;

Ўз замондошлари ва бошқа таниқли исломшунос олимлар назарида машҳур ҳанафий фақиҳи, Қуръон ва ҳадис илмлари олими Абу Жаъфар Таҳовийнинг “Ақида” асари ва унинг шарҳларининг назарий-амалий аҳамияти уч жиҳати билан илмий қиймат касб этган. Аввало, ислом дини тарихи ва унинг туб моҳияти, миллий урф-одатлар ва қадриятлар билан ислом динининг тамоман ўзгача маъно-мазмун касб этиши, мафкуравий таҳдидларнинг ислом дини ниқоби кўринишида намоён бўлиши, диний ва маънавий тарбияга глобал тармоқлар орқали кириб келаётган ислом дини ниқобидаги фундаментализм, экстремистик ва террористик оқимлар таъсири, талаба-ёшларнинг диний бағрикенглик маданиятини шакллантириш орқали “диний” таҳдиднинг олдини олиш усуллари ҳамда воситалари чуқур таҳлил этилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2017 йил 26 январдаги 01-11-06-606-сонли

маълумоти ва далолатномаси). Бу таҳлиллар ёшларда юқоридаги ғаразли ғояларга қарши илмий асосли мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келмоқда.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда, муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича 30 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола (10 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 142 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва унинг вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларини ривожлантириш йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Шунингдек, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи берилган.

Диссертациянинг **“Абу Жаъфар Таҳовий ҳаёти ва илмий меросининг ханафийлик таълимотидаги ўрни (IX-X асрлар)”** деб номланган биринчи бобида асосан Абу Жаъфар Таҳовий ҳаёти ва ёзган асарлари ҳақида маълумот берилган. Таҳовийнинг саксон йиллик умри Аббосий халифалигининг (131/749-656/1258) иккинчи юз йиллигига тўғри келди. Аббосий халифаларининг еттинчиси бўлган Муътасим олдин Мисрда волийлик қилган. Халифа бўлгач (219/834)¹³ Мисрда Ашнас Туркийни волийликка тайинлади. Ашнадан сўнг Мисрда турклардан бўлган Иноқ (ваф. 234/849), Мунтасир (221/836-248/862), Фотиҳ ибн Хоқон (ваф. 247/861), Музоҳим ибн Хоқон (ваф. 254/868) ва Тўлуноғлу Аҳмад (220/835-270/884) волийлик қилганлар¹⁴.

Тўлуноғлу бошқарув маҳорати ва юборган солиқлари билан тезда амирнинг назарига тушади. Кўп ўтмасдан, у мустақил амир сифатида ҳаракат қилишни бошлайди. Ўз мустақиллигининг халифага қабул қилдирилишида, Мисрнинг Самаррадан кейинги иккинчи марказ бўлиб

¹³ Абу Умар Муҳаммад Киндий. Ал-вулот ва китабу-л-қудот. – Байрут: Матбаату-л-Обои-л-Юсуъийин, 1908. – С.194.

¹⁴ Hakki Durusun Yildiz. Islamiyet ve Türkler. – Istanbul: İ.Ü.Edebiyat Fakültesi Yayınları, 1979. – S.170-172.

қолишида туркларнинг ўрни катта бўлган¹⁵. Тўлуноғлу оиласининг Мисрдаги ҳукумронлиги ҳижрий 292 (мил. 904) йилга қадар давом этади.

Миср халқининг тинч ва барқарор яшашлари учун тўлуноғлулар даври жуда муҳим эди. Қўшни Шом ва Фаластин ўлкаларида муаммолар бўлишига қарамай Миср халқига бу унчалик таъсир ўтказмаган. Тўлуноғлулар бошлаган ободончилик ишлари халқни мамнун қилган эди. Бу сулола вакиллари масжид, шифохона каби кўпчиликнинг фойдасига хизмат қиладиган муассасалар бино қилганлар.

Амр ибн Осс (38/659-41/662) даврида қурилиши бошланган Фустот шаҳри тўлуноғлулар даврида гуллаб-яшнаган, ўша пайтда қурилган Тўлуноғлу масжиди бугунги кунга қадар сақланиб қолган. Машҳур географ олим Муқаддисий қолдирган маълумотларга кўра, Фустот Бағдодни ўз соясида қолдирадиган даражада ривожланган ва Бағдоддан кейинги энг катта ва аҳолиси кўп шаҳарга айланган.

Таҳовий яшаган аср фикҳ илми ривожланганлиги билан бир қаторда, ҳадис илмининг ҳам олтин даври эди. “Кутубу-с-ситта” муаллифларидан тўрттаси билан (Муслим ибн Ҳажжож, Абу Довуд, Насоий ва Ибн Можжалар) Таҳовийнинг 30 та устоз-шайхлари муштарак бўлган. Шунингдек, Таҳовий Насоийнинг ўзидан ҳам ҳадис ривоят қилган¹⁶.

Таҳовийнинг замондошлари ичида мужтаҳид сифатида тан олинган олимлар қаторига қуйидаги шахсларни киритиш мумкин: Абу Довуд Али Зоҳирий (ваф. 270/883), Муҳаммад ибн Жарир Табарий (ваф. 310/922), Абу Иброҳим Исмоил ибн Яҳё Музаний (ваф. 264/877), Робиъ ибн Сулаймон Жизий (ваф. 270/883), Ҳасан ибн Муҳаммад Заъфароний (ваф. 260/874), Муҳаммад ибн Мунзир (ваф. 310/922), Муҳаммад ибн Ҳузайма (ваф. 311/923), Абу Убайда Али ибн Ҳусайн ибн Ҳарбуя (ваф. 319/931), Юнус ибн Абдулаъло Садафий (ваф. 264/877).

Алломанинг исми Аҳмад, куняси Абу Жаъфар бўлиб, у Муҳаммад ибн Салама ибн Абдулмалик ибн Салама ибн Салим ибн Сулаймон ибн Ҳаббобнинг ўғли. Олимга Аздий, Ҳажарий, Мисрий, Таҳовий каби нисбалар берилган. Олим “Таҳо” исмли қишлоқда кўним топгани учун унга Таҳовий нисбаси берилган. Шунингдек, у Жизий нисбаси билан ҳам машҳур. Чунки олим маълум вақт Жиза (Гиза)¹⁷ номли мавзеда ҳам истиқомат қилган¹⁸.

Таҳовий рабиъу-л-аввал ойининг 11-куни туғилгани маълум. Унинг қайси йил туғилгани масаласида турли фикрлар мавжуд. “Мифтоҳу-с-саъода” (“Саодат калити”) асарида келган маълумотга кўра олим ҳижрий 227 йили, “Доирату-л-маъориф” (Энциклопедия) ва “Тазкирату-л-ҳуффоз” (“Ҳофизлар тазкираси”)га кўра 237, Ибн Халликон берган хабарга кўра

¹⁵ Nakki Durusun Yildiz. Islamiyet ve Türkler. – С.172-173.

¹⁶ Palanpuri. The biography of Imam Tahaawi. - P.6.

¹⁷ Машҳур Миср эҳромлари жойлашган мавзе.

¹⁸ Кураший Абдулқодир. Ал-Жавохиру-л-музия фи табақоти-л-ханафия. – Қоҳира: Дору-л-ҳижра, 2005. – Ж.1. – С.271-273; Кавсарий. Ал-Ҳовий. – С.3; Palanpuri. The biography of Imam Tahaawi. – P.5; Таҳовий Абу Жаъфар. Шарҳ мушкили-л-осор (ҳаққақоҳу ва зобата нассаҳу, ва харража аҳадисаҳу, ва аллақа алайҳи Шуайб Арнаут). – Байрут: Муассасату-р-рисола, 1994. - Ж.1 (муқаддима). С.35.

238, Бадриддин Айнийга кўра 229, Ибн Асокир ва Ибн Юнусга кўра 239 йилда таваллуд топган. Абу Саид ибн Юнус Курашийга шундай деган: “Абу Жаъфар 239 йилда таваллуд топганини менга ўзи айтган”¹⁹. Ёқут Ҳамавий “Муъжаму-л-булдон”²⁰ (“Шаҳарлар комуси”)да, Ибн Жавзий “Мунтазам”да (“Султон ва халқлар тарихининг тартиби”)²¹ ҳамда Ибн Ҳажар “Лисону-л-мезон”да (“Мезон тили”)²² у кишининг туғилган йилини ҳижрий 239 сана деб кўрсатишган. Шох Абдулазиз олимнинг 321 йили 80 ёшда вафот этгани аниқлигини қайд этади. Ҳисоблаб чиқиладиган бўлса, алломанинг аниқ таваллуд йили ҳижрий 239 йил, деган тўхтамга келиш мумкин²³.

Таҳовийнинг шофийликдан ҳанафий мазҳабига ўтиши ҳижрий 260-261 (мил.874-875) йилларга тўғри келади. Мазҳабини ўзгартиришида Тўлуноғлу даврида Мисрнинг хирожи учун масъул бўлган Абу Айюб (Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Шужоъ) ва Мисрга келган Абу Жаъфар ибн Имронлар туртки бўлишган²⁴. Бу фақиҳ Мисрга ҳижрий 260 (мил.874) йилда келган.

Таҳовийнинг тоғаси Музаний унинг ҳанафий мазҳабини қабул қилишига қарши чиқади ва: “Аллоҳга қасамки, сен ҳаётда кўпга бормайсан. Сендан бирорта арзирли асар қолмайди”, дейди. Шундан сўнг Музанийни тарк этиб, ҳанафий усули ва фуруъи устаси, Ироқ қозиси Қози Аҳмад ибн Абу Имрон Бағдодий Ҳанафийдан таҳсил олишни бошлайди²⁵. Таҳовий “Мухтасар” китобида бу ҳақда: “Абу Иброҳим (яъни тоғаси) Аллоҳ раҳмат қилсин, агар тирик бўлганида, қасамига каффорат берарди”, деган²⁶.

Тадқиқотда унинг олим, фақиҳ ва муҳаддис сифатида етишишида салмоқлироқ ҳисса кўшган куйидаги устозлари ҳақида маълумотлар ўрин олган: 1. Абу Иброҳим Исмоил ибн Яҳё Музаний (175-264/791-877); 2. Қози Баккор ибн Қутайба Басрий (182-270/796-884); 3. Қози Абу Жаъфар Аҳмад ибн Абу Имрон Мусо ибн Исо (ваф. 280/893); 4. Абу Ҳазм Абдулҳамид ибн Абдулазиз, Қози (ваф. 292/904-905).

Шунингдек, мазкур бобда бевосита олимнинг асарлари ҳақида маълумотлар берилган:

а. “Ал-Ақидату-т-Таҳовия”. Асарнинг тўлиқ номланиши *“Ақидату-т-Таҳовия баёну эътиқоди аҳли-с-сунна ва-л-жамоа”* бўлиб, ақида асосларига бағишланган кичик рисола.

¹⁹ Кураший. Ал-Жавоҳиру-л-музия. – Ж.1, С.273.

²⁰ Ёқут ибн Абдуллоҳ Ҳамавий. Муъжаму-л-булдон. – Байрут: Дору-с-садр, 1977. – Ж.4, С.22.

²¹ Ибн Жавзий Абу-л-Фараж Абдурраҳмон. Ал-Мунтазам фи-т-тарихи-л-мулк ва-л-умам. – Байрут-Ливан: Дору-л-кутуби-л-илмия, 1995. – Ж.13, С.318.

²² Ибн Ҳажар Асқалоний. Лисону-л-мезон. – Байрут-Ливан: Дору-л-башаири-л-исломия, 2002. – Ж.1, С.620.

²³ Palanpuri. The biography of Imam Tahaawi. - P.5-6; Кураший. Ал-Жавоҳиру-л-музия. – Ж.1, С.273; Суютий Жалолиддин. Ҳусну-л-муҳозара фи тарих Миср ва-л-Қоҳира. – Қоҳира: Дору ихяи-л-кутуби-л-арабия, 1967. – Ж.1, С.350; Асқалоний. Лисону-л-мезон. - Ж.1, С.620; Ибн Қутлубуғо Қосим Судуний. Тожу-т-тарожим. – Дамашк: Дору-л-қалам, 1992. – С.100.

²⁴ Karadut Ahmet. Abü Ca'fer et-Tahavi hayati ve eserleri // Diyanet dergisi, 1984. – Ankara: 20-cilt, 3-sayı, - S.63.

²⁵ Palanpuri. The biography of Imam Tahaawi. - P.6-7; Асқалоний. Лисону-л-мезон. - Ж.1, С.620-621.

²⁶ Кавсарий. Ал-Ҳовий. - С.16-17; Асқалоний. Лисону-л-мезон. - Ж.1, С.621.

б. “Мухтасар Таҳовий”. Бу ҳанафий фикҳининг илк асарларидан. У шофийий фикҳи бўйича ёзилган “Мухтасари Музаний” билан услуб жиҳатидан ўхшаш.

в. “Шарҳ Маони-л-осор”. Таҳовийнинг муҳим ва биринчи машҳур асари бўлиб, бу асар унинг баъзи олимлар томонидан “Маони-л-осор” муаллифи деб номланишига сабаб бўлган²⁷.

г. “Шарҳ мушкили-л-осор”. Таҳовийнинг охириги ёзган муҳим асари ҳисобланмиш “Шарҳ мушкули-л-осор” асари иснод, матн, қамров ва танқид жиҳатидан бошқаларидан кўра кенг қамровли эканлиги билан алоҳида ажралиб туради.

д. «Сунану-ш-Шофийий». Бу китобни Таҳовий тоғаси Музанийдан, у эса Имом Шофийидан ривоят қилган. Бу китоб ҳижрий 1315 (мил.1897) йили Мисрда, кейинроқ ҳижрий 1406 (мил.1986) йили Бейрутда нашр қилинган²⁸.

е. “Ар-Радд ала китоби-л-мудаллисин”. Мазкур асар Абу Али Ҳусайн ибн Али Карабусийнинг “Китабу-л-мудаллисин” номли китобига раддия сифатида ёзилган.

ж. “Ат-тасвия байна ҳаддасана ва ахборана”. Мазкур китобнинг икки қўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, улардан бири Ирландиянинг Дублин шаҳридаги “Честер Битти” кутубхонасида 3495 инвентар рақами (116-122 бетлари) остида, иккинчиси Суриянинг Дамашқ шаҳри “Зоҳирия” кутубхонасида 17/92м инвентар рақами (292^а-302^б) билан сақланиб келмоқда.

з. “Ихтилофу-л-уламо (фуқаҳо)”. Бу асар тугалланмаган бўлиб, хилофиятга (фикрий ихтилофлар) бағишланган. Зоҳид Кавсарий бу асар ҳақида шундай ёзади: “Бу китоб тахминан 130 жуздан иборат. Абу Бакр Розий ушбу китобни қисқача ёзиб кетган”.

и. “Аҳкому-л-Қуръон”. Бу китоб тахминан 20 жуздан иборат бўлиб, Қози Иёз “Икмол” асарида Таҳовийнинг минг бетлик тафсири борлигини ёзган.

к. “Ат-Тариху-л-кабир”. Бу китобни Ибн Халликон, Қураший, Ибн Касир, Ёфийий, Суютий, Али Қорий зикр қилганлар. Ибн Халликоннинг таъкидлашича, бу асар ҳақида Бадриддин Айний “Мағониу-л-ахёр” асарида: “Уни ўрганишга жуда кўп ҳаракат қилдим, лекин бунга эриша олмадим, у ҳақида сўраган кишиларим ҳам билишмади”, деган сўзларини айтади.

л. “Аш-Шуруту-л-кабир”. Бу асар қирқ жузь кўринишида бўлиб, у ҳақда Ибн Надим, Али Қорий, Абдулқодир Қурашийлар маълумот бериб ўтганлар. Унинг бир жузьи мавжуд бўлиб, унда байъ (савдо) ва қозилик минтақалари қисмлари бор.

²⁷ Самъоний Муҳаммад ибн Мансур. Ал-Ансоб. – Байрут: Дору-л-жинон, 1988. – Ж.4, С.53; Қураший. Ал-Жавоҳиру-л-музия. – Ж.1, С.276; Таҳовий. Шарҳ мушкили-л-осор. - С.80.

²⁸ Таҳовий Абу Жаъфар. Ас-Сунанну-л-маъсура ли-л-имам Муҳаммад ибн Идрис Шофийий. – Байрут: Дору-л-маърифат, 1986.

м. “Аш-Шурутү-с-сағир”. Бу китоб беш жуздан иборат бўлиб, унда одамларнинг эҳтиёжлари учун лозим бўлган байъат, шуфъа, ижара, мулк қилиб олинган садақалар ҳамда вақф қилинган моллар масалалари баён этилган.

Диссертациянинг “Таҳовийнинг “Ақида” асари – ислом илоҳиётига оид муҳим манба” номли иккинчи бобида олимнинг “Ақида” асари ҳақида таҳлилий маълумотлар ўрин олган. Унда таъкидланишича, ақида илмига оид дастлабки асарлар асосий таълимот мактабларининг шаклланиш даврига (VIII-XI асрлар) тўғри келади. Айни шу пайтда Абу Ҳанифага нисбат берилган “Фикҳу-л-акбар” ва “Васия Аби Ҳанифа” ҳамда муътазила оқимига оид олимлар қаламига мансуб бир қатор асарлар юзага келди.

Абу Жаъфар Таҳовийнинг “Баёну-с-суннати ва-л-жамоа”²⁹ деб аталган, аммо “Ал-Ақидату-т-Таҳовия”(Таҳовий “Ақидаси”) номи билан машҳур бўлган асари муаллифнинг қолган китобларидан кўра кўпроқ ўрганилган.

Асар муаллифнинг шофий мазҳабидан ҳанафийга ўтган даврлари, яъни ҳижрий 261 (мил.875) йиллардан кейин ёзилган деб айтиш мумкин. Асарнинг ҳажми мухтасар бўлиб, ақидага оид рисолалар қаторига киради. У чуқур маъноларга эга манба ҳисобланади. Муаллиф ушбу асарни Абу Ҳанифа Нуъмон Ибн Собит Куфий ҳамда унинг икки шогирди Абу Юсуф, шунингдек, Муҳаммад Шайбоний эътиқодига мувофиқ ёзганини айтади³⁰.

Асарда муаллиф ўз фикрларини асослаш учун далил сифатида Қуръоннинг Шура сураси 11-ояти, Мудассир сураси 25-26 оятлари, Қиёмат сураси 22-23-оятлари, Нажм сураси 11-ояти, Анбиё сураси 23-ояти, Фурқон сураси 2-ояти, Аҳзоб сураси 38-ояти, Нисо сураси 48-ояти, Бақара сураси 286-ояти, Оли Имрон сураси 19-ояти, ва Моида сураси 3-оятларини келтиради.

Мазкур бобда “Ақида” асари матнининг дунёнинг турли кутубхоналарида мавжуд бўлган бир қанча қўлёзма нусхалари ҳақида кодикологик тавсиф берилган:

Биринчи нусха. “Сулаймония” кутубхонасининг (Туркия) “Аё софия” бўлимида № 02792 инвентар рақамига эга бўлиб, қўлёзма мажмуадаги 3-сонли асар.

Иккинчи нусха. “Сулаймония” кутубхонасининг (Туркия) “Аё софия” бўлимида № 00574 инвентар рақамига эга бўлиб, қўлёзма мажмуадаги 6-сонли асар.

Учинчи нусха. “Боязид” кутубхонасининг (Туркия) № 007955 инвентар рақамига эга бўлиб, қўлёзма мажмуадаги 2-сонли асар.

Тўртинчи нусха. “Боязид” кутубхонасининг (Туркия) №003099 инвентар рақамига эга бўлиб, қўлёзма мажмуадаги 2-сонли асар.

²⁹ Brockelmann Carl. Geschichte der arabischen litteratur. – Leiden: Tuta sub aegide pallas, 1937. – V.1, S.294; Fuat Sezgin. Geschichte des arabischen schrifttums. – Leiden:Tuta sub aegide pallas, 1967. – B.1, S.441-442.

³⁰ Таҳовий Абу Жаъфар. Матну-л-ақидати-т-Таҳовия баяну ақидати ахли-с-сунна ва-л-жамоа. – Байрут-Ливан: Дор Ибн Ҳазм, 1995. – С.7.

Бешинчи нусха. “Ал-Азҳар” кутубхонасининг (Миср) “умумий” номли рўйхати бўйича № 5512, “хос”ига кўра № 224 инвентар рақамига эга бўлиб, қўлёзма мажмуасидаги 2-сонли асар.

Олтинчи нусха. “Ал-Азҳар” кутубхонасининг (Миср) “ас-Сақо” бўлими “умумий” номли рўйхати бўйича № 28596, “хос”ига кўра № 2627 инвентар рақамига эга бўлиб, қўлёзма мажмуага киритилмасдан, алоҳида ҳолда сақланмоқда.

Еттинчи нусха. “Ал-Азҳар” кутубхонасининг (Миср) “умумий” номли рўйхати бўйича № 2009, “хос”ига кўра № 102 инвентар рақамига эга бўлиб, қўлёзма мажмуадаги 2-сонли асар.

Саккизинчи нусха. “Боязид” кутубхонасининг (Туркия) № 002140 инвентар рақамига эга бўлиб, қўлёзма мажмуадаги 8-сонли асар.

Тўққизинчи нусха. “Ал-Азҳар” кутубхонасининг (Миср) “Бахийт” бўлими “умумий” номли рўйхати бўйича № 46128, “хос”ига кўра № 975 инвентар рақамига эга бўлиб, қўлёзма мажмуадаги 3-сонли асар.

Шунингдек, тадқиқотда таъкидланишича, Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собитнинг “Фикҳу-л-акбар” асари мазкур соҳа бўйича яратилган асарларнинг энг биринчиларидан ҳисобланади. Абу Жаъфар Таҳовий ўзининг “Ақида” асарини бевосита “Фикҳу-л-акбар” асаридан таъсирланиб ёзганлигини кўриш мумкин. Олимнинг асосий мақсади – Абу Ҳанифанинг ақидавий қарашларини лўнда, аниқ ва тизимли равишда баён этиш ҳамда асарда айтилган фикрларни тўла-тўқис анъанавий “аҳли сунна вал жамоа” мактаблари тушунчаларига мос равишда очиқ бериш бўлган.

Тадқиқотнинг мазкур бобида бир қанча ақидавий мавзулар қиёсий таҳлил этилган.

Имон моҳияти. Абу Ҳанифанинг фикрига кўра, имоннинг иккита шарти бўлиб, дил билан тасдиқ ва тил билан иқрордан иборат³¹. Таҳовий бу борада Абу Ҳанифага эргашиб, бирон-бир фикрни камайтирмасдан ёки кўпайтирмасдан, имоннинг шартларига тасдиқ ва иқрорни киритган³². Имон борасида “аҳли сунна вал жамоа” вакиллари орасидаги фарқлар фақат лафзий эканлиги билан чегараланган.

Аллоҳнинг зоти ва сифатлари. Абу Ҳанифа Аллоҳнинг зоти ва сифатлари борасида кўп баҳсга киришмасдан, Қуръон ва суннатда зикр қилинган хабарлар билан кифояланишни маслаҳат берган³³. Таҳовий Аллоҳнинг сифатлари борасида ўзининг муайян бир ҳаволаларини кўрсатмаган. Фақат умумий сўзлар билан сифатлари борлигини маълум қилиб, уларни ҳатто турларга ҳам бўлмаган.

Аллоҳнинг Арши (тахт). Абу Ҳанифа Аллоҳнинг Арши борасида Қуръонда нима дейилган бўлса, шуни тасдиқлашни таъкидлаган. Таҳовий мазҳаббошининг фикрларига эргашган ҳолда Арш ва Курсийнинг ҳақ эканлигини тасдиқлаб, Аллоҳнинг уларга мухтож эмаслигини маълум

³¹ Абдулазиз Мансур. Ақоид матнлари. - Б.26; Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит. Фикҳу-л-акбар. – Ҳайдаробод: Доирату-л-маорифи-н-Низомия, 1924. - С.10.

³² Ўша асар. - Б.36; Таҳовий. Матну-л-ақидати-т-Таҳовия. - С.21.

³³ Ўша асар. - Б.27; Абу Ҳанифа. Фикҳу-л-акбар. - С.11.

қилиб, У Зот барча нарсаларни Ўз сифатлари билан қамраб олган ҳамда улардан устун (олий) деб таъриф беради³⁴.

Аллоҳнинг Калом сифати ва Қуръон. Абу Ҳанифанинг фикрига кўра, Қуръон Аллоҳнинг каломи (нутқ). Аллома: “Аллоҳ ушбу каломи орқали Мусо билан гаплашган ва Унинг бу сифати айнан ўша пайт пайдо бўлмаган, балки у азалдан бўлган”, дейди. Яна у: “Чунки калом Аллоҳнинг зотий сифати бўлиб, инсон ва яратилганларники каби махлуқ эмас”, деб таъкидлайди³⁵. Таҳовий Аллоҳнинг каломи бўлмиш Қуръон ҳақида эҳтиёткорлик билан сўз юритади. Бу мавзу ислом дунёсида, оқимлар орасидаги муҳим масала бўлгани учун, олим ўз фикрларида Қуръондаги оятдан (*Муддассир сураси 25-26-оятлар*) далил келтиради. Шу билан бирга, Аллоҳнинг калом сифатини инсоннинг сўзига ўхшатганлар диндан чиқиб, дўзахга маҳкум бўлишларини таъкидлайди³⁶.

Аллоҳни кўриш масаласи. Абу Ҳанифа Аллоҳни кўриш масаласида мужассимларнинг қарашларидан ҳам, мажозий маънога буришдан ҳам воз кечади. Унинг фикрича, У Зотни кўришга имонли кишилар жаннатда ўз кўзлари билан сазовор бўладилар, аммо бу кўриш бирон-бир маконга, йўналишга, масофага оид бўлмай, кайфиятсиз ва ўхшатувларсиз амалга ошади³⁷.

Таҳовий айнан Имоми Аъзамнинг қарашларида қолади, У Зотни кўришга Қуръондан (*Қиёмат сураси 22-23-оятлар*) далил келтириб, “Жаннат аҳли Аллоҳни ўз кўзлари билан, кайфиятсиз ва Уни қамраб олмайдиган ҳолда кўрадилар”, дейди³⁸.

Тақдир (Илоҳий ирода ва инсон ихтиёри). Абу Ҳанифанинг фикрича, Аллоҳ барча нарсаларни яратмасдан олдин ҳам, улар ҳақида азалдан билган, уларнинг тақдир ва қазосини Ўзи белгилаган ҳамда ҳар бир нарса фақат Яратувчининг хоҳиши, илми, қазоси, қадари, шунингдек, Лавҳу-л-маҳфузга ёзиб қўйилиши билан бўлган. Лекин ёзиб қўйиши тавсиф йўли билан, яъни ҳукм орқали мажбурий эмас³⁹. Таҳовийнинг фикрича, “Тақдир масаласи Аллоҳнинг инсонлардан сақлаган сири бўлиб, уни ҳатто Яратувчига яқин фаришталар ҳам, пайғамбарлар ҳам билмайди”. Таҳовий бу борада чуқур хаёл юргизиш ёки баҳслашиш беҳуда иш бўлишини, туғёнга олиб келишини таъкидлайди⁴⁰.

Шунингдек мазкур бобда “Ақида” асарига ёзилган шарҳлар илмий таҳлил қилинган. Асарга ёзилган илк шарҳлар ва уларнинг қўлёзмалари ҳақидаги маълумотлар муаллифларнинг яшаган даврларига қараб хронологик тартибда келтирилган:

1. Исмоил ибн Иброҳим ибн Аҳмад Шайбоний Абу-л-Фазоил. У ҳижрий 544 йилда, рабиу-л-охир ойининг 14-санасида (мил. 20 август

³⁴ Таҳовий. Матну-л-ақидати-т-Таҳовия. - С.19.

³⁵ Абдулазиз Мансур. Ақоид матнлари. - Б.22; Абу Ҳанифа. Фикҳу-л-акбар. - С.5-6.

³⁶ Ўша асар. - Б.32, 36; Таҳовий. Матну-л-ақидати-т-Таҳовия. - С.12-13, 20.

³⁷ Ўша асар. - Б.26; Абу Ҳанифа. Фикҳу-л-акбар. - С.10.

³⁸ Ўша асар. - Б.33; Таҳовий. Матну-л-ақидати-т-Таҳовия. - С.13.

³⁹ Ўша асар. - Б.23; Абу Ҳанифа. Фикҳу-л-акбар. - С.7.

⁴⁰ Ўша асар. - Б.34; Таҳовий. Матну-л-ақидати-т-Таҳовия. - С.17.

1149) Басра шаҳрида туғилган. Ҳижрий 629 йилда, жумоду-л-аввал ойининг 9-санасида, чоршанба куни (мил. 2 март 1232) вафот этган”, деб ёзган⁴¹. Исмоил Шайбонийнинг шарҳини Карл Броккельман “Ақида аҳли-с-сунна ва-л-жамоа” деб атаган

2. Нажмиддин Мангуберс (Бекбарс) ибн Яланғоч Туркий Носирий. У ҳижрий 652 (мил.1254) йилда вафот этиб, уни Боғдод шаҳри “Қубба би-р-русофа” қабристонига дафн этишган⁴². Таҳовийнинг рисоласига ёзган ўз шарҳини “Ан-нуру-л-ломей ва-л-бурҳону-с-сотей” (Порлоқ нур ва аниқ далил) деб номлаган.

3. Ҳибатуллоҳ ибн Аҳмад ибн Муалло ибн Маҳмуд Шужоиддин Туркистоний Ҳанафий Тарозий. У ҳижрий 671 (мил.1272) йил Тароз шаҳрида туғилиб, 733 (мил.1333) йилда Мисрнинг Қоҳира шаҳрида вафот этган. Унинг шарҳининг номи “Шарҳу-л-ақидати-т-Таҳовия” дир.

4. Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Масъуд Қунавий Дамашқий Ҳанафий. У ҳижрий 771/1370 (“Тоҷу-т-тарожим” да 777/1376) йили Дамашқ шаҳрида вафот этган⁴³. “Кашфу-з-зунун” асари муаллифининг айтишича, у ўзининг Таҳовий асарига ёзган шарҳини “Ал-қолаид фи шарҳи-л-ақоид” деб номлаган⁴⁴.

5. Сирожиддин Умар ибн Исҳоқ Ҳиндий Ғазнавий Ҳанафий. У тахминан ҳижрий 704 (мил.1305) йилда туғилиб, 773 (мил.1372) йилда вафот этган⁴⁵. “Кашфу-з-зунун” муаллифи Сирожиддин Умар ибн Исҳоқ Ҳиндийни: “Таҳовий асари шарҳининг муқаддимасига кўплаб муҳим нарсалар ва қўшимчаларни тартиб қилган. Муқаддимада ўнта танбех мавжуд”, – дейди⁴⁶.

6. Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Акмалиддин Бабартий. Унинг туғилган санаси ҳижрий 712 (мил.1312) йил деб тахмин қилинади. Вафот этиш санаси эса ҳижрий 786 (мил.1384) йил дейилган⁴⁷. Бу шарҳ “Шарҳу ақидати аҳли-с-сунна ва-л-жамоа” деб номланган.

7. Абу-л-Ҳасан Али ибн Алоуддин ибн Муҳаммад ибн Аби-л-Изз Ҳанафий. У ҳижрий 731 (мил.1331) йилда Дамашқдан 128 км жануброқда жойлашган Азраъ, хозирда Суриянинг Дироаъ вилоятига тўғри келадиган ҳудудда туғилган. Таҳовий асарига “Шарҳу-л-ақидати-т-Таҳовия” номли шарҳ ёзган⁴⁸.

8. Муҳаммад ибн Абу Бакр Ғаззий Ҳанафий. У ибн Бинти Ҳамирий номи билан машҳур бўлган. Ҳофиз Саҳовий унинг шогирдларидан бири бўлган. У ўз шарҳини “Шарҳ ақоиди-т-Таҳовия” деб номлаган.

⁴¹ Қураший. Ал-Жавоҳиру-л-музия. – Ж.1, С.389.

⁴² Ўша асар. – Ж.1, С.462-463.

⁴³ Ўша асар. – Ж.3, С.435-436; Ибн Қутлубуғо. Тоҷу-т-тарожим. – С.289-290.

⁴⁴ Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун ан асмой-л-кутуб ва-л-фунун. – Байрут: Дор аҳия-т-туроиси-л-арабий, 1941. – Ж.2, С.1143.

⁴⁵ Ибн Тағрий Жамолиддин Аби-л-Маҳосин. Ан-Нужуму-з-зоҳира фи мулуки Миср ва-л-Қоҳира. – Байрут-Ливан: Дору-л-кутуби-л-илмия, 1992. – С.120-121; Лакнавий Абу-л-Ҳасанот Муҳаммад Абдулхай. Фавоиди-л-бахия фи таражими-л-ҳанафия. – Байрут: Дору-л-маърифа, 1906. – С.148-149.

⁴⁶ Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун. – Ж.1, С.1143.

⁴⁷ Ибн Қутлубуғо. Тоҷу-т-тарожим. – С.276-277; Лакнавий. Фавоиди-л-бахия. – С.195-199.

⁴⁸ Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун. – Ж.1, С.1143.

9. Мавло Абу Абдуллоҳ Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Абу Исҳоқ Фақиҳ Ҳанафий Қустонтийнинг туғилган ва вафот этган санаси номаълум. “Кашф аз-зунун” китобининг муаллифи “Бу олим ўзининг Таҳовий асарига ёзган шарҳини ҳижрий 916 (милодий 1510) йилда тугатган”, деб келтиради⁴⁹.

10. Абдурахим ибн Али Амасий Румий Ҳанафий. У ҳижрий 944 (милодий 1537) йилда вафот этган. “Изҳору-л-ақидати-с-суннияти би шарҳи-л-ақидати-т-Таҳовия” асари муаллифи Абдуллоҳ Ҳаририй: “Абдурахим Амасий ўзининг Таҳовий асарига ёзган шарҳини “Шарҳ ақоиду-т-Таҳовия” деб номлаган”, дейди⁵⁰.

11. Ҳасан ибн Тўрахон ибн Довуд ибн Ёқуб Оқҳисорий. У Оқҳисор шаҳрида ҳижрий 951 (милодий 1544) йилда туғилиб, ўша шаҳарда қозилик қилган. Таҳовийнинг асарига ёзган шарҳини “Нуру-л-якийн фи усули-д-дин” деб номлаган. Ушбу шарҳ ҳижрий 1014 (милодий 1605) йилда, Эстаргон қалъаси (Туркия, Анқара шаҳри) қамали чоғида ёзиб тугатилган⁵¹.

Юқорида келтириб ўтилган Абу Жаъфар Таҳовийнинг асарига битилган шарҳлар (Али ибн Абу-л-Изз шарҳи атрофида ёзилган китоблар бундан мустасно) ўрта асрларда ёзилган бўлиб, XX-XXI асрларда бу борада асосан баъзи Араб мамлакатларидаги олимлар жонбозлик кўрсатишган.

Диссертациянинг **“Ақида” асари ва исломдаги эътиқодий масалаларга доир глобал муаммолар**” номли учинчи бобида ақида илмидаги энг асосий мавзу бўлмиш – имон масаласи тадқиқ этилган. Бу масала доирасида Куръонда келтирилган оятларни тушунишда мусулмонлар орасида кенг кўламдаги мунозаралар бўлиб ўтган.

Абу Ҳанифа ўзининг “Фикҳу-л-акбар” асарида: “Имон – бу иқроор ва тасдиқдан иборатдир”, дейди⁵². Молик ибн Анас: “Имон – бу гап (қавл) ва амалдир”, деган⁵³. Муҳаммад ибн Идрис Шофийий: “Имон – сўз ва амалдир. У зиёда бўлади ва камаяди”, дейди⁵⁴. Аҳмад ибн Ҳанбал: “Биз айтамикки, имон – бу сўз ва амалдир, кўпаяди ва камаяди”, деган⁵⁵. Ушбу мавзу мусулмонларнинг имон рукни борасида айтган фикрлари ва амал қилган эътиқодларидан келиб чиқиб шартли равишда бир қанча гуруҳларга бўлиб ўрганилган.

Бевосита Абу Жаъфар Таҳовий асарида имон борасида билдирилган фикрга тўхталинса, у Абу Ҳанифанинг қарашларидан узоқлашмаганини,

⁴⁹ Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун. - Ж.1, С.1143.

⁵⁰ Абдуллоҳ Ҳаририй. Изҳору-л-ақидати-с-суннияти би шарҳи-л-ақидати-т-Таҳовия. – Байрут: Дору-л-машарий, 1997. – С.4.

⁵¹ Brockelmann. Geschichte der arabischen litteratur. - V.1, S.294; Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун. – Ж.1, С.1143; Хайридин Зириклий. Ал-Аълум. – Байрут: Дору-л-илм ли-л-малайин, 2002. - Ж.2, С.194.

⁵² Абдулазиз Мансур. Ақоид матнлари. - Б.26; Абу Ҳанифа. Фикҳу-л-акбар. - С.10.

⁵³ Абу Умар Юсуф Ибн Абдулбарр. Ал-Интиқо фи фазоили-л-аиммати-с-саласаити-л-фуқаҳо. – Байрут: Дору-л-башаири-л-исламия, 1997. - С.71.

⁵⁴ Абу Бакр Аҳмад ибн Ҳусейн Байҳақий. Маноқибу-ш-Шофийий. – Қоҳира: Мактабату дори-т-турос, 1970. - Ж.1, С.387.

⁵⁵ Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳанбал Шайбоний. Китобу-с-Сунна. – Ар-Риёд: Дор ибн Қайюм, 1986. - С.307.

ҳатто икки асарда ибораларни ишлатишда ҳам бир хилликни кўриш мумкин. Таҳовий: “Имон – тил билан иқрор бўлиш ва қалб билан тасдиқлашдир”, дейди⁵⁶.

Абу Ҳанифа ва унинг издоши Таҳовий тасдиқлаган сўз билан “аҳли сунна вал жамоа”нинг ўзга вакиллари фикри ўртасидаги фарқ шундан иборатки, олимлар ичида “Хилоф ташқи кўринишда бўлиб, эътиқодда бу борада хилоф йўқ”, дейдиганлари ҳам, “Йўқ, у маънавий ва ҳақиқий ҳисобланади”, деб айтгувчилари ҳам бор.

